
Риштонда чигит экиш олдидан эҳсон тадбирлари ўтказилмоқда

Бугун "Хўжа Илғор" масжидида чигит экиш олдидан эҳсон тадбирлари ўтказилди. Ушбу тадбирда туман ҳокими С. Солиев, сектор раҳбарлари, қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, кластер ходимлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди. Жорий йилда туманда 5950 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Бу тадбирни ўз муддатида яқунлаш мақсадида 9 та чигит экиш отрядлари ташкил этилди. Шунингдек, 60 дона сеялкалар ва 336 та бошқа қишлоқ хўжалиги техникалари сафарбар этилади.

Тадбир давомида "Билолдин бахти" фермер хўжалиги раҳбари Саминжон Йўлдашевга 60 йиллик юбилейи муносабати билан зарбоф тўн ва эсдалик совғалар топширилди.

2022-03-31 15:11:24